Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 47 (498) 2021 йил 15 июнь, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



## Шу куннинг гаплари

Маданият ва маърифат соҳаларидаги лойиҳалар бўйича Урганч шаҳрида **Муҳаммад Ал-Хоразмийнинг янги ҳайкали** ўрнатиладиган бўлди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида Самарқанд туманидаги Бўзи маҳалласининг **ички кўчаларига асфальт ётқизилмоқда**.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманилик тадбиркор Қобилжон Обидов ўз маблағлари ҳисобидан уч қаватли кутубхона қурди. Унда **150 минг**га яқин китоб жойлаштирилади.

Сўх туманидаги 6 та қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун "Чашма" МФЙ ҳудудида **500 метр куб** ҳажмдаги иншоот қурилишига киришилди.

2018-2020 йилларда давлат-хусусий шерикчилик асосида **11 269** нафар тадбиркор томонидан **352 431** қувватга эга нодавлат МТТ фаолияти йўлга қўйилган ва **33 679** та иш ўрни яратилган.

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 июнь куни соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ва пойтахтимиз туманларида бўлганида, шунингдек, 28 май куни ўтган видеоселектор йиғилишида коммунал тармоқларни янгилаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кўплаб вазифалар қўйган эди. Шу борада мутасадди вазирлик ва ҳокимликлар томонидан бошқарув сервис компаниялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тошкент вилоятида 4 минг 938 та кўп қаватли уй бор. Уларга 36 та сервис компанияси ва 369 та ширкат хизмат кўрсатади. Ширкатларнинг ярмидан кўпи оғир аҳволда. Хизматлар ўз вақтида ва сифатли бўлмагани, замонавий ёндашувлар жорий этилмагани оқибатида истеъмолчилар норози.

Тадбирда ҳудуддаги шу каби камчиликлар танқид қилинди. Лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, тизимни тўғри ташкил этиб, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқаларида ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришга кенг имконият берилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан яқин шериклик йўлга қўйилган. Тақдимотда ушбу ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган иқтисодий ва инвестициявий лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз лойиҳаларни танқидий баҳолаб, ҳамкорликни изчил кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бундан бир ой олдин Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, бу йўналишдаги шифохоналарда шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берган эди. Улардан келиб чиқиб, 27 май куни Президентнинг "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Республика онкология ва радиология тиббиёт маркази учун янги бинолар қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунинг учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Бинони лойиҳалаштиришда хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси инобатга олинган.

Янги марказда позитрон-эмиссион томография, радиоизотоп текширишлар, занжир реакцияли анализаторлар, магнит-резонанс томография, ангиография учун замонавий ускуналар ўрнатилади. Иммунотерапия, таргет терапия, чизиқли тезлаткич ёрдамида ва стереотоксик нур терапия, радиохирургия каби янги даволаш услублари жорий этилади.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, барча ҳудудлардаги онкология шифохоналаридаги шароит, даволаш сифати ўрганилган. Бундай касалликлар бўйича энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти филиалларига тўғри келган. Яъни, уларда барча беморларнинг қарийб 37 фоизи даволанган.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шифохоналарини ягона муассаса сифатида бирлаштириш таклифи билдирилди. Бунинг натижасида салоҳиятли мутахассислар ва юқори технологик ускуналар бир жойда жамланиб, даволаш сифати ошади, беморлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Малакали шифокорлар тайёрлашга қаратилган режалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шу мақсадда Н. И. Пирогов номидаги Россия тиббиёт университети билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳамкорлик доирасида келгуси икки йилда юртимиз талабаларини Россияга ўқишга юбориш, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида Пирогов номидаги университет филиалини очиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, тақдимотда тижорат банклари томонидан шакллантирилган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# Истиқболи порлоқ корхона

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Қизилқумцемент" АЖга пресс-тур ташкил этилди. Унда жамиятда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, корхона фаолияти ҳақида фикр юритилди. Маълумки, Республикада ишлаб чиқарилаётган цементнинг 48 фоизи ушбу корхона ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда жамиятда 350 нафардан ортиқ жамоа фаолият юритмоқда.**





Завод мустақилликдан сўнг, технологик жиҳатдан тубдан янгиланди ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлди. Янги линиялар, истиқболли лойиҳалар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ортди. Корхона нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам етакчи ҳисобланади. Маҳсулотлари минтақадаги давлатларнинг энг муҳим стратегик объектларида ишлатилишининг ўзиёқ, унинг сифат жиҳатдан юқорилаб бораётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимиз томонидан олиб борилган ислоҳотлар ривожи, саноатни қўллаб-қувватлаш натижасида корхона йилига 3,5 млн тонна юқори маркали цемент ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Жорий йил биринчи чоракда 913 минг тонна цемент қурилиш майдонларига етказиб берилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати бир суткада 10 400 тоннани ташкил этди.

Корхона биргина цемент ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаган. Ҳудудда қурилиш кластери ташкил этилган бўлиб, шифер ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, оҳак, плиталар, деворбоп блоклар, асбестоцементли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. "Қизилқумцемент" АЖ ҳар йили инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ошириб, қўшимча линиялар, тегирмонлар яратиляпти. Айни дамда бу ерда умумий қиймати 126 млн доллар бўлган, қуввати 1,8 млн тонна клинкерни ташкил этувчи қўшимча клинкер (4-линия) ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳани 2022 йили фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳозирда ҳудудда қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этаётир. Ушбу линия фойдаланишга топширилгач, корхонанинг йиллик қуввати 5,7 млн тоннага етказилиши кўзда тутилган.

Навоий шаҳридан 7 километр узоқликда жойлашган гигант корхона табиатни муҳофаза қилиш, экология софлигини сақлаш мақсадларида ҳам изланмоқда. Охирги 5 йилда ишлаб чиқариш линиялари тўлиқ таъмирланди, барча чангютгичлар технологик шартларга жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

# Бош бошқармада нима гап?

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Фарғона вилояти ҳокими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасдиқлаган режага кўра, журналистлар ва блогерлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Акмалжон Раҳмонов 2021 йилнинг ўтган беш ойида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.**

Таъкидланишича, вилоятда 3502 та кўп квартирали уй-жойларга 12 та бошқарув компаниялари ва 301 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари 94592 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда. Ўтган даврда 528 та кўп қаватли уйларни таъмирлаш мақсадига 24.0 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, шунинг 13,3 миллиард сўми маҳаллий бюджетдан 244 та кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун ажратилган. Ҳомийларнинг 5 миллиард сўм ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 3,2 миллиард сўм маблағи сарфланди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 30 та қишлоқ, 8 та маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш ва 1036 тасини ободонлаштириш учун 1632,3 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилганди. Бугунгача 38 та МФЙларда 151,6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилишига эришилди.

Дастурга киритилган ички йўллар қурилиши бўйича 296 та объектда 22,6 километр йўллар асфальтланиб, 31,1 километр йўлларда шағаллаштириш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Пудрат ташкилотларига 16,5 миллиард сўм маблағлар молиялаштириб берилди. Бундан ташқари 3,9 километр ички йўлларда ҳашар йўли билан шағаллаш ишлари бажарилди. Шу жараёнда 1179 миллион сўм маблағ тежалгани ҳисобидан қўшимча 3,2 километр йўллар таъмирланадиган бўлди.

Жорий йилда 81 та ижтимоий соҳа объектлари қуриш, 20 та соғлиқни сақлаш ва 28 та МТТларда таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган. Бундан ташқари ирригация объектларида, электр, газ таъминоти, алоқа ва ахборотлаштириш тизимларида ҳам зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда журналист ва блогерлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

## Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 27-моддаси нима ҳақида?



**27-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг ваколатлари

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ва унинг ҳудудий инспекциялари (бундан буён матнда ҳудудий инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

**Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ўз ваколатлари доирасида:**

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида тақдимномалар киритади;
- бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, фуқаро ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи конструктив қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради ҳамда демонтаж ишлари амалга оширилишини талаб қилади;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита кўрсатма бажарилмаган ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради ва демонтаж ишларини олиб бориш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилади;
- юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолияти соҳасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни, уларни бажаришнинг шаҳарсозлик фаолияти объектидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш учун зарур бўлган мутаносиб муддатларини, лекин кўпи билан олтмиш кунни белгилаган ҳолда, беради;
- шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга тақдимномалар юборади;
- шаҳарсозлик фаолияти объектларида бинолар ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўлланилганлиги аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар юборади;
- қурилаётган объектларга монеликсиз киради ва давлат назорати вазифаларини амалга оширади;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига, қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишига риоя этилиши устидан, шунингдек, техник ва муаллифлик назорати юритилиши устидан танлаб ўтказиладиган давлат назоратини амалга оширади;
- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда маъмурий баённомаларни расмийлаштиради ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;
- ўз ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни, маълумотлар ва ахборотни вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан сўрайди ва олади;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларини, илмий-техник ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг экспертлари ҳамда мутахассисларини давлат назорати тартибида ўтказиладиган текширувларга жалб этади;
- қурилиш объектларидаги авариялар ҳолатларини текшириш бўйича идоралараро комиссиялар ишида иштирок этади;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга конструкцияларнинг айрим элементларини, узеллар ва деталларни очиш ва қайта ёпиб қўйиш, пойдеворлар остидаги тупроқни, қўлланилган қурилиш материалларини, конструкцияларини, буюмларини ҳамда муҳандислик коммуникацияларини синаш юзасидан топшириқлар беради, шунингдек, тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади.

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№47 (498) 2021 йил 15 июнь

# АСР МЎЪЖИЗАСИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Интернетдаги хориж хабарларидан бирида таъкидланишича, енгил автомобилларнинг дунё бозорида ўтказилган кўргазмасида йилнинг энг сифатли, чидамли ва чаққон, ҳар томонлама қулай машиналари сафида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар ҳам алоҳида қайд этилибди.**



Бу эътироф шу ватаннинг фуқароси сифатида фахр туйғусини жўштириш баробарида бир воқеани яна бир бор эслатди. 1996 йилнинг баҳори эди. Андижоннинг Асака туманидаги "Шарқ ҳақиқати" (собиқ) ширкат хўжалигига ёшларнинг ишсизлик юзасидан таҳририятга йўллаган аризасини ўрганиш учун хизмат сафари билан боргандим.

Ширкатнинг ўша даврдаги раҳбари анча саросимада экан. Биргаликда ёшлар билан суҳбатлашиб, сўнг хулоса қилиш лозимлигини айтганимда у киши:

– Менинг вақтим йўқ, туманимизга давлат раҳбарининг ташрифи кутиляпти, бугун-эрта келиб қолсалар ажаб эмас, – деди.

Бундай кезлари аксарият раҳбарлар "иши кўплиги"ни рўкач қилиши одат тусига кирганди.

Лекин кимнинг хаёлига келибди, дейсиз Биринчи Президентимиз вилоятдаги сафари чоғида, айнан шу ширкатнинг маданият саройида вилоят фаоллари билан учрашув ўтказади, деб. Ҳолбуки, шундай бўлди ва бу унутилмас тадбирда иштирок этиш каминага ҳам насиб қилди. Давлат раҳбари Андижон вилоятидаги ўзгаришлар, эришилган ютуқлару камчиликларга холис баҳо бериб, нафақат бу вилоят, балки водийни янада гуллаб-яшнатиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича ўз таклифларини билдираркан, "Нега жим ўтирибсизлар? Андижонда, шу заминда турганимиз – Асакада, қолаверса, водийда муаммолар йўқми? Президентнинг ҳар куни бу жойга келишига, сизлар билан мулоқотда бўлишига имкони йўқ, шунинг учун ҳар қандай масалани шу ерда, биргаликда ҳал қилайлик" деди.

Залда ўтирган салкам 300 нафарга яқин кишидан бир муддат садо чиқмади. Шу пайт ўртадаги қатордан бир киши қўл кўтариб, ўзини Асака тумани агросаноат мажмуи касаба уюшмасининг раиси Ҳидоятулла Аҳмедов дея таништираркан, "муаммоларимиз етарлича, биринчи навбатда ёшларимиз ишсизлик туфайли бошқа юртларга иш излаб кетишяпти. Улар у ёқда нима билан шуғулланишади, буни ҳеч ким билмайди. Яна бир муаммо – Асакада аҳоли зич яшайди, ер-участкаларига эҳтиёж катта, шу масалаларда ёрдам сўраймиз"...

Ўша даврда давлат раҳбари олдида ҳар қандай киши ҳам ўз фикрларини бемалол айтишга журъат этолмасди. Ана шунинг учун ҳам ўтирганлар "нега муаммо кўтардингиз?" деган мазмунда унга "ёвқараш" қилишди.

Бироз жимликдан сўнг Ислом Каримов:

– Асакадаги тракторларга тиркама ишлаб чиқарадиган завод ўрнида Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда енгил машиналар ишлаб чиқарадиган завод қурилади ва толани қайта ишлашга ихтисослашган завод ҳам шу туманда бўлади. Бундан ташқари, Наманган вилоятининг Поп туманида калиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилади, ёшларимизни автомобилсозликка ўқитамиз ва ўргатамиз, келажакда ўзимиздан машинасозлар, шу соҳанинг муҳандислари етишиб чиқади, – деганида зални гулдурос қарсаклар садоси қоплади. Гапнинг рости, шу жойда айтилган гаплар яқин орада амалга ошишига кўпчилик унчалик ишонмаганди.

Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Ўша йилнинг 19 июлида Асакада биринчи енгил автомобиль заводи ишга тушгани тўғрисида нафақат юртдошларимиз, балки кўплаб давлатлардагилар ҳам матбуотлар орқали хабар топишди. Эндигина тетапояни бошлаб, беш ёшни қаршилаётган Ўзбекистоннинг бу ютуғига ҳавас билан қараганлар қатори, "кўрамиз, бу ёғи нима бўларкан, жўжани кузда санашади" дегувчилар ҳам топилди.

Мустақиллик берган имкониятларга шукроналар айтаркаммиз, баъзида ўйлаб қоласан киши. Яқин-яқингача Ўзбекистон деганда пахта хом ашёси базасини кўз олдига келтирган, шундай назария билан қараган ва бу жойда қишлоқ хўжалигидан бошқа нарса битмаслигини тасаввур қилганларнинг ўзлари бугун юртимизни ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган, бир қанча соҳаларда эса рақобат бозорида ўз ўрнини топаётганини тан олишмоқда.

Қўйиб берса, халқимиз нафақат тош устида гул ундириши, балки оғир саноатнинг энг нозик бўғинларида, қурилиш ва бунёдкорликлар, ташаббус ҳамда янгиликлар яратишда ҳам ўзлигини намойиш қила олиши мумкинлигини истиқлол шукуҳи дунёга исботлаб беряпти. Асакадаги автомобиль заводи ҳам мустақиллигимизнинг мустаҳкам қарор топган неъматларидан биридир.

Ҳукуматимиз бу соҳани қўллаб-қувватлаб, етарлича шароитлар яратаётгани натижасида янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушиб, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортаяпти ҳамда ёшларимиз машинасозлик саноатини мукаммал ўзлаштириш ва янгиликларни ихтиро қилишда ҳеч кимдан кам эмасликлари яққол кўзга ташланяпти. Бу борада мутахассислар масаласига аҳамият қаратиладиган бўлса, бир умрлик замин яратилганига асос бор. Дастлабки йилларда ёшларимиз чет элларга юборилиб, касб-корга ихтисослаштириларди, энди эса автомобилсозлик мутахассислигига йўналтирилган алоҳида коллежлар, олий ўқув юртларида факультетлар республикамизда фаолият кўрсатиб, юзлаб ёшларни ўз бағрига олган. Демак, энг аввало, мутахассисларга ва шу соҳада изланувчи, ташаббускорларга эҳтиёж сезмасликка кафолат бор. Мана шундай имкониятлар шарофати билан кейинги йилларда Ўзбекистонимиз автомобилсозлари замон талабига мос бир қанча лойиҳаларни амалга ошириб, дунё истеъмолчиларига етказиб бераётган машиналар турини яна бир нечтага кўпайтиргани ҳар қандай таҳсинга лойиқлиги баробарида экспорт салоҳиятимизни ҳам оширяпти.

Ўзбекистонимизда машинасозлик саноатига қўл урилганига ҳам 25 йил тўляпти. Дастлабки йилларда атиги тўртта русумдаги енгил автомобиллар билан дунё бозорларида бўй кўрсатган завод йилдан-йилга янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга қўллаб, машиналар тури ва сифатини бир неча баробарга ошириб бораётганини дунёдаги истеъмолчилар ҳам тан олишмоқда. Фақат бу эмас, бугун Ўзбекистон машинасозлик саноатини ривожлантиришда ҳам жаҳондаги шу соҳага ихтисослашган 28 та давлат билан бемалол рақобатлашиш даражасига кириб боряпти. Самарқанд шаҳри, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳридаги заводлар Асака заводида бошланган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, муҳими, шу саноатнинг юксалиши муносабати билан минг-минглаб ёшларимиз доимий ишли ҳамда касбли бўлишган.

Бир сўз билан айтганда, машинасозликка ихтисослашган корхоналар халқимизнинг ғуруридир. Уларнинг йил сайин ривожланаётгани эса нафақат иқтисодиётимизни мустаҳкамлайди, балки экспорт салоҳиятимизни янада ошириб, жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашимизни таъминлайди.

Қашқадарёдан дараклар

## Янги марказ фойдаланишга топширилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида янги, замонавий Давлат хизматлари маркази фойдаланишга топширилди.**




149 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи туман – Европа Иттифоқи, Давлат хизматлари агентлиги, БМТТД ҳамкорлигидаги "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида синов ҳудудлари сифатида танлаб олинган 7 та ҳудудлардан бири ҳисобланади. Замонавий ахборот-коммуникация ускуналари билан жиҳозланган марказ шаҳарсозлик стандартларига мос, ноанъанавий архитектура ва миллий меъморий ечимлар билан уйғунлашган ва қулайликлар яратилган.

Хусусан, бинода ногиронлиги бор инсонлар учун алоҳида эътибор берилган бўлиб, электрон навбат тизими, ахборот киоскаси, электрон хизматлардан мустақил равишда фойдаланиш учун қурилма, болалар майдончаси, буфет, мини-кутубхона ва WiFi мавжуд. Марказда ташриф буюрувчилар хабардорлигини ошириш мақсадида плакатлар ва ахборот стендлари ўрнатилган. Марказда 150 дан ортиқ давлат хизматлари тақдим этилади ҳамда тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Бош вазир қабулхонаси, Президентнинг Халқ қабулхонаси жойлашган. Шунингдек, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам фаолият бошлаши кутилмоқда ва аёллар бизнесини бошлаш, ҳуқуқий масалалар, бепул психолог маслаҳати олишлари мумкин бўлади.

Яна бир гап, илк бор марказда волонтёрлар дастури қўлланилиши режалаштирилган бўлиб, унинг доирасида волонтёрларни Давлат хизматлари агентлиги ва марказлари фаолиятига кўмаклашишга жалб этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига хизматлар кўрсатишга кўмаклашади.

## Замонавий энергоблок қурилади

**"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" АЖда хориж оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Икки кунлик тадбирда иштирокчилар амалга оширилган инвестицион лойиҳалар билан яқиндан танишиш ва келгуси режалар ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлди.**

Маълум бўлишича, корхона тасарруфидаги илк энергоблок 2004 йилда ишга туширилган. Ўз даврида Марказий Осиёдаги энг йирик мажмуа сифатида эътироф этилган ва у Россия технологияси асосида барпо этилган бўлиб, соатига 800 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

2017 йилда эса яна иккита замонавий энергоблок ишга туширилди. Жанубий Кореянинг "Hyundai Engineering and Construction" ва "Daewoo International Corporation" компаниялари консорциуми томонидан қурилган ушбу блоклар соатига 450 МВт электр энергияси ишлаб чиқаради. Ушбу буғ-газ қурилмаси харажатларни кескин камайтириш имконини берган ва мазкур электроблоклар тўлиқ автоматлаштирилган тизимда ишлайди. Ходимлар уларни компьютерлар орқали, махсус дастурлар асосида бошқаради.

– Айни пайтда корхонада яна иккита замонавий электроблок қуриш бўйича инвестиция лойиҳаси амалга ошириш босқичида. Соатига 900 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини берадиган лойиҳанинг умумий қиймати 944,87 миллион АҚШ долларини ташкил этади, – деди жамият раиси Олим Юсупов. – Шундан 450 миллион доллари Осиё тараққиёт банки, 237,6 миллион доллари эса Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан тақдим этиладиган кредитлар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 94,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилаётган бўлса, қолгани жамиятнинг ўз маблағи ҳисобланади. Айни пайтда ижрочини аниқлаб олиш бўйича халқаро тендер савдолари ўтказилмоқда. Лойиҳага дастлаб 31 та компания қизиқиш билдирган бўлса, бугунги кунда 6 та йирик компания тендер савдосининг сўнгги босқичида иштирок этяпти. Жорий йил сўнггига қадар тендер савдоси натижалари эълон қилиниб, қурилиш ишлари бошланади.

Жамият мутахассисларининг маълумот беришича, тўртинчи ва бешинчи блок ҳам ишга туширилгач, станциянинг умумий ишлаб чиқариш қуввати соатига 2600 МВт га етади. Яна камида 120 нафар янги иш ўрни яратилади.

"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" АЖ томонидан амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалардан яна бири 500 кВли "Суғдиёна" нимстанцияси ҳаво линияси ва очиқ тақсимлаш қурилмаси қуриш лойиҳасидир. 188,496 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига ҳозирги кунга қадар 560 дона темир таянч устунлари ўрнатилиб, 218 километр масофага 500 кВли ҳаво линияси тортилган. Бундан ташқари, аварияга қарши ҳимоя тизимини яхшилаш учун қатор станциялар оралиғига оптик толали алоқа тармоғи монтаж қилинмоқда. Бу каби чора-тадбирлар натижасида электр энергияси билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиб, узлуксиз таъминот йўлга қўйилади.

# БУНЁДКОРЛИК халқ манфаати учун

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилнинг ўтган ойларида Фарғона вилоятининг Қўштепа тумани қурилиш бўлими электрон тизимига объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш юзасидан 40 та мурожаат келиб тушди ва уларнинг 33 таси ижобий ҳал этилди. Рухсатнома берилган 7 та мурожаат бўйича қонунда белгиланган тартибда аризачига тушунтирилди. Шунингдек, якка тартибдаги уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича 404 та мурожаатнинг 368 таси ҳам ўз ечимини топди.**

Тадбиркор Раънохон Ҳомидова мурожаати тез кунда ижобий ҳал этилганидан туман ҳокимлиги ва Қурилиш бўлими мутахассислари ишидан миннатдор бўлди. Сабаби узоқ йиллардан буён фойдаланилмаётган умумий овқатланиш корхонаси биноси ҳамда бўш ер майдонига икки қаватли диагностика маркази қуришга рухсатнома берилди. Яна бир тадбиркор Исахўжа Кимсанов ҳам эски ҳаммом бино-иншоотлари ва бўш ер майдонига уч қаватли умумий овқатланиш, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун рухсатни олиб, қурилишни бошлади. "Лойсон" МФЙда жойлашган оилавий шифокорлар пункти биноси ҳам маҳаллий дастур асосида реконструкция қилиниб, фойдаланишга қабул қилинди ва айни кунларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, собиқ "Автогаз-Сервис" хусусий корхонаси ўрнида эндиликда аҳолига турли йўналишда хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият юритишни бошлади.

"Нурафшон" МФЙдаги 7-сонли умумий ўрта таълим мактаби бу йилги инвестиция дастурига киритилган эди. Тендер савдолари хулосасига кўра, мактабда "ПМК-296" МЧЖ қурилишни бошлаб юборди. Бундан ташқари, Хўжақишлоқдаги 30-умумий ўрта таълим мактабида ҳам "Zaman building" МЧЖ томонидан қурилиш ишлари давом этмоқда.

Туман давлат ер захираси фондидаги "Ҳавасманд-Қоражийда" массивининг 2,29 гектар ер майдонида ижтимоий-иқтисодий хизмат кўрсатиш объектлари, 2,28 гектар ер майдонида эса "Ёшлар кичик саноат зонаси"ни ташкил этиш режалаштирилган. Ана шу мақсадлар учун 31 та ЛОТларда қиймати 30,3 миллиард сўмлик 27 та лойиҳалар рўйхати шакллантирилди.

– Аҳолининг уй-жойга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда, – деди туман Қурилиш бўлими бошлиғи Шохруҳ Исмоилов. – Бу ишларга хусусий секторларни ҳам жалб этган ҳолда ҳар бири 5 қаватли, 30 хонадонли уй-жойлардан 3 та ҳамда 40 та 4 сотихли ерда уйлар қурилиши "Равшан ҳамкор таъмир" ва "Қурилиш ҳамкор таъмир", "Камолхонов Жаҳон", "Обидхон Одилхон ўғли", "Муҳаммад Умар буилдинг", "Сардоба Сарбон Сервис" МЧЖлар ҳамда "Фарғона таъмир юксалиш" хусусий корхонаси томонидан қурилиш ишлари ва Хумдон массивида Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан 1 та 4 қаватли уй-жой қурилиши жадал олиб бориляпти.

Туманнинг "Истиқбол" ва "Дўрмон" МФЙларида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича 6,5 километр сув қувури олиб келинди. Айни кунларда "Водий Гулистон" МЧЖ томонидан 4,5 километр траншея қазиш ва 2,5 километр ичимлик суви қувурини монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

## Шаҳарга ярашган бинолар

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**2021 йилда ҳам самарқандликлар уй-жойлар бунёд қилишда олдинги ўринларда экани эътиборга сазовор. Мисол учун, айни пайтда шаҳарда 1 000 хонадонли 4 та 25 қаватли ва 1 728 хонадонли 18 та 16 қаватли уйлар жадал суръатларда қад ростлаётир.**

Бундан ташқари, Рудакий, Гагарин, Нарпай, Бедил кўчалари, Суғдиёна, Сартепа ва Кимёгарлар массивларида кўплаб уй-жойлар қурилаётганини ҳам айтиб ўтиш керак.

– Беш йилдан буён турар жойлар бунёд этиш билан шуғулланамиз, – дейди "Samarkand Siti LTD" МЧЖ бош таъсисчиси Рустамжон Бозаров. – Шу даврда бир нечта кўп қаватли иморатларни тикладик. Жамоамизда ишчи кучи, малакали ходимлар етарли, техника воситаларининг барча зарур русумлари мавжуд. Асосий лойиҳачимиз "Геофундаментпроект" жамияти мутахассислари билан ҳамкорлигимиз ютуқларимизда муҳим ўрин тутяпти.

Вокзал майдони ҳудудида қад ростлаётган "Suravo construction" МЧЖга қарашли 5 қаватли уй ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдириш мумкин. Республика Мустақиллигининг 30 йиллигига тўёна сифатида топшириладиган бино кун сайин чирой очмоқда.

– Самарқанд янада кенгайиб, аҳоли сони ошиб бораётгани зиммамизга юксак масъулият юклаши шубҳасиз, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги "Капитал қурилиш дирекцияси" ДУК директори Ботир Нормуродов. – Ҳар бир қурилиш, объект бугунги талабга мувофиқ келиши ва тарихий шаҳар мақомига мос тушишига эътибор қаратилмоқда.

Яна бир гап. Самарқандда уй-жой қурилиши соҳасиги замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуришда муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва "олувчи-сотувчи"нинг қонуний манфаатлари кафолатланишига ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари меъёрларига риоя қилинишига катта аҳамият бериляпти.

## Озод юртда обод маҳаллалар қад ростлаяпти

**Шохруҳ ҚОДИРОВ.**

**"Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" Давлат дастурлари доирасида Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида ҳам янги лойиҳалар бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.**

Жумладан, йилнинг ўтган даврида мавжуд 300 километрга яқин ички йўлларнинг 30 километри текисланиб, қум ва шағал ётқизилди, тўртта маҳалла ҳудудида аҳоли учун йўлакчалар бунёд этилди.

Соҳилобод маҳалласида қурилиб, фойдаланишга топширилган замонавий маҳалла фуқаролар йиғини идораси эса дастур доирасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Бу жойда яшовчи 4 810 нафар аҳоли энди ҳар қандай зарурат учун туман ёки вилоят марказига вақтини кетказиб юрмайди. Чунки замонавий бунёд этилган бинода профилактика инспекторидан тортиб, кутубхона, ҳуқуқий маслаҳат хонаси, хотин-қизларга маслаҳатлар хонаси, мўъжазгина тикиш-бичиш цехи, ёшларни касбга ихтисослаштириш маркази ва бошқа кўплаб қулайликлар яратиб берилган.

Айтиш лозимки, тумандаги мавжуд 15 та маҳалла идорасининг 13 тасида шу кунгача янгилаш ва таъмирлаш, реконструкциялаш ишлари олиб борилиб, яшовчиларга қулайликлар яратилди. Яқинда эса "Боёвут обод диёр" МЧЖ қурувчилари соҳилободликларга яна бир совға туҳфа қилишди. Давлат ва ўз маблағлари ҳисобидан икки қаватли, 250 нафар болажонларга мўлжалланган МТТни қуриб, фойдаланишга топширишди.



# КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ЕРТЎЛАСИ

## ундан фойдаланишнинг тартиб-қоидаси бор

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мактабда ўқиб юрган пайтимиз чет тили ўқитувчимиз малака ошириш учун Францияга бориб келди. Саёҳатдан қайтган устоз таассуротларини билиш учун саволга тутамиз:

– Устоз, Парижга ҳам бордингизми?

– Эйфель минорасига чиқдингизми?

– Франциядаги қадимий саройларни кўрдингизми?

– Хорижда сизни ҳайратга солган нарса нима эди?

Устоз жавобни энг охирги саволдан бошлади.

– Биласизларми болалар, Францияда кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида одамлар яшамас экан. Бу қават фақат дўконлардан иборат. Тартибли ва тежамкор француз халқи кўп қаватли уйларнинг ертўласидан ҳам самарали фойдаланишади. Ташқаридан оддий кўринган бино ертўласида шинам қаҳвахона-ю, маҳсулотга тўла дўконлар борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз...

Тўғри, ўша пайтда буни тасаввур қилолмагандик. Аммо бугун ўшандай манзарага гувоҳ бўлиб турибмиз. Кейинги йилларда юртимизда кўп қаватли уйлар катта ҳажмда қурилмоқда. Авваллари асосан, 2, 4, 9 қаватли уйлар қурилган бўлса, бугун 12, 14, ҳатто 16 қаватли муҳташам бинолар қад ростлаяпти. Замонавий архитектура услубларида яратилаётган уйларнинг нафақат турар жой ҳудуди, балки ертўласи ва томигача “ўзлаштирилмоқда”. “Яшил том” каби янги атамаларнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас.

Ҳозир ўзимиз яшаб турган “дом”нинг ертўласида ҳам қайсидир тадбиркорлик объекти фаолият юритишини яхши биламиз. Уларда ишбилармонлар яратаётган гўзаллик салони, интернет-кафелари, дўкон ва тикувчилик цехлари халқимизга хизмат кўрсатиш билан банд. Натижада, авваллари сув босиб, нохуш ҳид таратаётган, зараркунандаларга бошпана бўлган ертўлалар обод масканга айланди. Юртдошларимиз иш билан таъминланиб, ҳаёти фаровонлашди.

Буларнинг бари яхши албатта, аммо ертўладан фойдаланишнинг ҳам ўзига яраша тартиб-қоидаси борлигини унутмаслик керак. Бу вазифа Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси зиммасига юклатилган.

Яқинда инспекция томонидан 24 119 та кўп квартирали уйнинг ертўлаларини сақлаш ва ундан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши ўрганиб чиқилди. Уларда 14 418 та қоида бузилиши ҳолати аниқланган бўлиб, шундан 10,0 мингдан ортиғи бартараф этилган. Аҳолидан тушган 4 904 та мурожаатнинг 1 891 таси уйларни сақлаш ва ундан фойдаланишдаги қоидабузарликлар ҳақида бўлиб, 80 фоизи асосли деб топилган ва назоратга олинган. Айни пайтда инспекцияга фуқаролардан “Кўп квартирали уйларнинг ертўлаларидан фойдаланиш мумкинми?” деган мурожаатлар ҳам қилинмоқда. Бу саволга инспекция бошлиғи Абдуназар Эрдонов шундай жавоб берди:

– Кўп квартирали уйларнинг ертўлаларини ижарага олувчилар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва унга носаноат хусусиятига эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларни жойлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ертўлаларни ижарага олувчилар 4 та асосий қонуний талабларга риоя этиши лозим.

Биринчидан, ертўлалар шу жойдаги мулкдорларнинг умумий мулки ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг умумий йиғилиш қарори билан, келишувига кўра, фойдаланишга, ижарага берилиши мумкин. Агар бундай келишувга эришилмаса, мулкдорлардан исталган бирининг даъвоси бўйича масала суд тартибида ҳал этилади.

Иккинчидан, Низом талабларига кўра, ертўлаларда алоҳида кириладиган эшик, табиий ёритиш ва вентиляция мосламалари, ёнғинга қарши ҳамда қурилиш нормалари талабларига мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак. Бунда жойни реконструкция қилишда кўтариш қобилияти ва зилзилабардошлиги сақланиб қолиниши, одамларнинг уй-жойида кеча-кундуз бўлиши имкониятини бузмаслиги ҳамда хавфсиз муҳит таъминланиши керак.

Учинчидан, ертўлаларни ижарага олувчи ўзига тегишли бўлган қисмини таъмирлашни ўз ҳисобидан амалга ошириши ва сақлаши керак. Шунингдек, ертўладаги санитария-техника асбоб-ускуналари ва бошқа ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, электр ва иссиқлик энергиясини, сув, газни тежаб сарфлаши, ҳисоблагичлар ўрнатиши шарт.

Тўртинчидан, ертўлаларни бошқа мақсадда қайта жиҳозлаш, ўзгартириш ёки реконструкция қилиш бинонинг конструктив схемасини бузмасдан, унинг олд кўриниши ва ташқи қиёфасини, муҳандислик коммуникацияларига зарар келтирмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Бундай ишлар ёнғинга қарши муҳофаза органлари, лойиҳа ташкилоти, меъморчилик ва шаҳарсозлик органлари ҳамда меъморчилик-шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилиш устидан давлат назорати органлари билан келишилган ҳолда бажарилиши шарт.

Ушбу талабларга риоя этмасдан ертўлаларни ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлаган, ўзгартирган, қўшимча қурилмалар ўрнатган шахслар ваколатли давлат органининг ёки суднинг талабига кўра, етказилган зарарни ўз ҳисобидан олдинги ҳолатига келтиришга мажбур бўлади.

Кўп квартирали уйларнинг ертўласидан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги турлари билан шуғулланишга рухсат этилади:

– озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш (дўконлар, киоскалар, дўкончалар ва бошқалар);

– маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш, соат созлаш устахоналари, ателье ва бошқалар);

– банк хизматлари кўрсатиш (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари);

– алоқа хизматлари кўрсатиш (почта бўлими).

Шунингдек, уй-жой ва таъмирлаш-фойдаланиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг, ички ишлар органлари таянч пунктларининг, прокуратура, суд органлари ва ФҲДЁ бўлими, адвокатура, нотариат, тадбиркорлар офислари ва идоралари, суғурта ташкилотлари, рассомлар ва ҳайкалтарошлар ижодий устахоналари, маъмурий-бошқарув функциялари билан боғлиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари турли ташкилотларнинг фаолият турларини жойлаштиришга йўл қўйилади.

3. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тақсимлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2020 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг ўтган йиллар тақсимланмасдан қолган ва 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro auksion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмини қўллаш тўғрисида.
15. Жамият акциядорларининг 2020 йил 12 сентябрда ўтказилган умумий йиғилиши кун тартибидаги 15-масаласида “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2020 йил 1 июндаги 0-12/1795-сонли ва “Indorama Agro” ХК МЧЖнинг 2020 йил 2 июндаги Т/1АДМ/2020/452-сонли хатларига асосан “Нишон пахта тозалаш” АЖ ва завод қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда “Пахтазор” ва “Наврўз” пахта қабул қилиш масканларининг “Indorama Agro” ХК МЧЖга сотиш тўғрисидаги йирик битим тузиш масаласини қайта кўриб чиқиш.
16. Қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган товар-моддий бойликларини, корхона баланс қаторидаги зарар, камомад ва умидсиз дебитор ва кредитор қарздорлик суммалари ҳамда асосий воситаларга сарфланган харажатларни ҳисобдан чиқариш ҳамда 2021 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – навбатдаги умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 8 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш кун олдин) 2021 йил 25 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (**жисмоний шахслар учун** – нотариус томонидан тасдиқланган, **юридик шахслар учун** – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Нишон” ҚФЙ, ”Нишон пахта тозалаш”АЖ.

**Электрон почта:** nishon-ptoaj@ mail.ru
**Тел.:** 75-512-33-07.

## “Қамаши пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Қамаши пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 29 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уйда жойлашган “Қамаши пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Qamashipaxta.uz

#### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият 2020 йил якуни ва бизнес-режа кўрсатқичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2020 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг ўтган йилларда тақсимланмасдан қолган ва 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11.Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro auksion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларини бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмини қўллаш тўғрисида.
15. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқаруви органлари балансига ўтказиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 4 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (**жисмоний шахслар учун** – нотариус томонидан тасдиқланган, **юридик шахслар учун** – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Қамаши пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уй.

**E-mail:** Qamashi-pt@umail.uz
**Тел.:** 75-53-24-955.

## УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ акционерного общества “Мубарекнефтегазмонтаж”!

АО “Мубарекнефтегазмонтаж”, расположенное по адресу: Кашкадарьинская обл., г. Мубарек, 2-й микрорайон, извещает вас о том что, 30 июня 2021 г. в 10.00 состоится очередное общее собрание акционеров общества. Место проведения общего собрания акционеров – Кашкадарьинская область, г. Мубарек, 2-микрорайон.

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 24 июня 2021 года.

#### Повестка дня:

1. Утверждение состава счетной комиссии и регламента годового общего собрания акционеров АО “Мубарекнефтегазмонтаж”.
2. Рассмотрение отчета Правления АО “Мубарекнефтегазмонтаж” об итогах финансово-хозяйственной деятельности, об исполнении Бизнес-плана развития АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год и стратегии развития общества на среднесрочный период.
3. Рассмотрение аудиторского заключения по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год в соответствии с НСАД и МСА.
4. Рассмотрение заключения ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год.
5. Рассмотрение отчета Наблюдательного совета АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год.
6. Утверждение годового отчета АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год.
7. Утверждение распределения прибыли АО “Мубарекнефтегазмонтаж” за 2020 год.
8. Рассмотрение вопроса выбора (назначения) председателя Правления АО “Мубарекнефтегазмонтаж” на 2021 отчетный год по результатам конкурса.
9. Выборы состава Наблюдательного совета АО “Мубарекнефтегазмонтаж”.
10. Выборы состава ревизионной комиссии АО “Мубарекнефтегазмонтаж”.
11. Об одобрении сделок с аффилированными лицами, которые могут быть совершены в будущем в процессе осуществления АО “Мубарекнефтегазмонтаж” его текущей хозяйственной деятельности на период до следующего годового общего собрания акционеров.
12. Утверждение Бизнес-плана общества на 2021 года.
13. Утверждение предельного размера выплачиваемых исполнительному органу общества вознаграждений и (или) компенсаций на 2021 отчетный год.

**В период подготовки к проведению общего собрания акционеров вы сможете ознакомиться со следующими материалами:**

годовой отчет общества за 2020 г.;

заключение ревизионной комиссии общества и аудиторской организации по результатам проверки годовой финансово-хозяйственной деятельности общества;

заключение аудиторской организации по расчетам КПЭ, ИКЭ и процентов их выполнения;

заключение по оценке системы корпоративного управления;

сведения о кандидатах в члены Наблюдательного совета и ревизионной комиссии (ревизоры) общества;

предложения Наблюдательного совета по распределению прибыли общества за 2020 год и по вопросу продления (перезаключения) или прекращения (расторжения) договоров найма с председателем Правления АО “Мубарекнефтегазмонтаж” на 2021 отчетный год.

**E-mail:** mngm07@mail.ru
**Тел.:** 97-300-87-14.

Регистрация участников – 30.06.2021 г. с 09.00 до 10.00.

Просьба при себе иметь паспорт или иное удостоверение личности.

**Наблюдательный совет**
**АО “Мубарекнефтегазмонтаж”.**

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога O‘zbekiston aksiyadorlik tijorat “Sanoat-Qurilish banki”ning Mirzo Ulug‘bek filiali нинг 2021 йил 9 июндаги 01-7-32/1181-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиқлол кўчаси, 25-уй манзилида сақланаётган, 8 дона кондиционер ва 4 дона музлатгич, жами 12 номдаги асосий воситалари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 8 419 980 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 16 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 14 июль куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги асосий воситалар 2021 йил 16 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2021 йил 2, 18 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Муборак пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Муборак пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 26 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғонида жойлашган “Муборак пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Muborakpaxta.uz

#### Кун тартиби:

1. Умумий йиғилишнинг регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият 2020 йил якуни ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг ўтган йиллар тақсимланмасдан қолган ва 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro auksion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлар бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмини қўллаш тўғрисида.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 8 июнь ҳолатига ва акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (**жисмоний шахслар учун** – нотариус томонидан тасдиқланган, **юридик шахслар учун** – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Муборак пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғони.

**Электрон почта:** Kholmirzaev2016@mail.ru
**Тел.:** 97-447-07-52.



# Фуқароларнинг ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИНИ
## Жиззахда ким ҳал қилади?

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” махсус мухбири.

**Қаерда адолат ва қонунлар устуворлиги таъминланмаса, ўша жойда одамларнинг ҳоким ҳамда масъул ташкилотлардаги мутахассисларга нисбатан ишончи йўқолади. Ишонч оқланмаган жойдан файз кетади, ишлаб чиқаришда унум бўлмайди. Буни айниқса, жиззахликлар ўтган аср бошларидаги воқеалар мисолида яхши билишади деб ўйлаймиз.**

Бироқ яратиш ва янгиликларга ўч, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида доимо олдинги сафлардан бирини эгаллаб юрган ана шу ҳудуддагиларнинг айрим соҳадаги ишлари одамларни ҳайратлантирмоқда. Эсингизда бўлса, шу йилнинг бошида вилоят марказидаги қурилиш соҳаси билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа нафақат жиззахликларни, балки юртимиз фуқароларини, айниқса бунёдкорлик билан шуғулланувчи корхоналар, тадбиркорларни огоҳ қилиб, ҳар бир ишни бошлаш аввалида, “етти ўлчаб бир кесиш керак”, деган ақидага қатъий амал қилиш лозимлигини яна бир карра эслатиб қўйди.

Аммо Жиззах шаҳрида бу оддий ҳақиқатни унутиб қўйганлар ҳамон учраб турганга ўхшайди. Бундай дейишимизнинг сабаби бор. Вилоят марказидаги Маданият маҳалласини шаҳарда истиқомат қилувчилар яхши билишади. Бу жойда 79 та кўп қаватли уйлар 60-йилларда қурилган. Ўз-ўзидан аёнки, йиллар силсиласи уларни ҳам “қаритган”, бугунги кунда барчаси таъмирталаб, реконструкция ишларига муҳтож. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ана шу маҳалла ҳам 2019 йил бошида, биринчилар қаторида ободонлаштиришга киритилган. Мана, орадан салкам икки йил ўтаётган бўлса-да, уйларни талаб даражасида таъмирлаш, реконструкция қилиш, яшовчиларга қулай шароитлар яратиб, тоза ичимлик сув тармоқларини янгилаш, коммунал хизматларидаги ечим кутаётган муаммоларни бартараф этиш сингариларда биропта ишга қатъий киришилгани кўзга ташланмайди.

Мазкур маҳалланинг Қ. Имомов ва Пахтакор кўчаларидаги 24, 26, 18, 20-уйларда яшаётган бир гуруҳ фуқаролардан таҳририятимизга шикоят хати келди. Унда куюнчаклик ила мана бундай сўзлар ёзилган: *“маҳалламиздаги 79 та уйларда турадиган болалар бўш вақтларида шуғулланишлари учун биропта ҳам спорт майдончалари йўқ, қаерга боришларини билишмайди, одамлар ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган жой тўғрисида эса эсламаса ҳам бўлади, борларини тайёр ўриндиқлару, соя ташлаб турган дарахтлар ва ноқонуний қурилмаларни бузиб, “яқинда барчасини замонавийлаштириб берамиз” деб кесиб кетишганига ҳам икки йилча бўлди. Бошқа вилоятлардаги юзлаб маҳаллаларнинг давлат дастури доирасида кун сайин чирой очаётганини телевизорлардан кўрганимизда, ҳадемай бизнинг маҳаллага ҳам навбат келиб қолса керак, деб умид қилаётгандик. Лекин орзуимизнинг руёб топишида тўсиқ бўлаётган битта масала таҳририятга мурожаат қилишга мажбур этди.*

*Бизлар яшаётган кўп қаватли уйнинг олдида лойиҳа бўйича уч қаватли меҳмонхона қурилишини шу жойда қурилиш ишларини бошлаб юборган тадбиркордан билиб, эсанкираб қолдик. Негаки, ўз даврида қурилган уйларимиз оралиғидаги масофа узоқ борса 23 метр. Уйнинг йўлагидан беш метр чиқилса, бош бориб қурилиши режалаштирилган бинонинг деворига тегади. Бу англашилмовчилик бўлса керак, деган фикрни назарда тутиб, аниқлик киритиш учун ўша пайтда вилоят ва шаҳар ҳокимликларига, лойиҳалаш ҳамда тегишли бошқа кўплаб ташкилотларга, шу жумладан, маҳалламиз 2-сектор тасарруфига тегишли бўлгани сабабли, аввал шаҳар, сўнг, вилоят прокуратураларига бир неча бор ёзма ва оғзаки мурожаатлар қилдик. Бахтга қарши, орадан ой ва йиллар ўтса ҳам уларнинг бироптасидан жўяли жавоб олишни қўяверайлик, ҳатто, келиб бу жойдаги вазият, одамларнинг турмуш тарзи, уларнинг фикрини ўрганишга вақт ажратадиган мард киши топилмади. Эшитишимизча, яқинда шаҳар прокуратурасидан кимдир келиб, тадбиркор бошлаган ишларни кўриб, унинг ҳужжатларидан нусха олиб кетган эмиш. Лекин бу – фуқароларнинг мурожаатлари ҳал этилди, деган хулоса бўлмаса керак.*



*Меҳмонхона қурилишига киришган биринчи тадбиркор яшовчиларнинг эътирозлари-ю, уйлар оралиғидаги масофани ҳисобга олмай кириш йўлагига 5 метр жой қолдириб, ҳеч иккиланмасдан ён-атрофни девор билан ўраб олди. Кейинроқ шу масалада ташкилотма-ташкилот югурибелаётганимиздан хабар топган бўлса керак, ишларини бир неча ой тўхтатиб қўйди. “Дард устига чипқон” деганлари шу бўлса керак, яқинда бошқа бир тадбиркор бу жойнинг эгалигини қўлга киритибди, келиб қурилишни бошлаб юборди. Уйларнинг зич жойлашгани ва бу қурилиш яшовчиларга ноқулай шароит туғдиришини, унинг ўрнига болалар спорт майдончасини қуриб беришларини сўраб тегишли ташкилотларга мурожаатлар қилиб, жавобини кутаётганимизни айтсак, “мен бу қурилиш учун катта пул тикканман, тезроқ қуриб, фойдаланишга топширишим керак, мана қўлимда унинг тасдиқланган лойиҳа-сметаси” деб ҳужжатларини кўрсатди. Тадбиркорнинг ҳозирги ҳолатини тушунамиз, эҳтимол, жойни сотган аввалги ишбилармон меҳмонхона қурилишига доир яшовчиларнинг эътирозларидан уни огоҳлантирмаган бўлиши мумкин. Бироқ қўлидаги лойиҳа чизмасида атрофдаги аҳоли яшаш уйлари оралиғидаги масофа қай ҳолатдалигига нега эътибор қаратмади экан деган фикр кимнинг хаёлидан ўтмайди.*

*Шунча вақтдан буён югурибелишларимизга қарамай, вилоятимиздаги масъул ташкилотларда ўтирган мутасаддилардан муаммомизга ечим топиш учун лоақал бирор жўяли фикр чиқмагач, таҳририятингизга шикоят-ариза ёзишга мажбур бўлдик. Ҳолбуки, маҳалламизда яшовчиларни икки йилдан буён ташвишга солиб келаётган ушбу масала шу жойнинг ўзида аллақачон ечим топиши мумкин эди. Лекин гапни гапир уққанга экан...”*

Фуқароларнинг ушбу мурожаатлари йўлга чорларкан, худди шунга ўхшаш воқеани жорий йил бошида матбуотда ўқиганимни эсладим. Унда Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйлар оралиғида бир қанча ноқонуний қурилмалар қурилган ва шу жойларда яшовчиларнинг эътирозига сабаб бўлгани, натижада, вилоят раҳбари тегишли мутахассислар билан биргаликда уларни чуқур таҳлил қилгандан сўнг, ноқонунийлиги исботлангач, барчасини буздириб, уларнинг ўрнига болалар ўйингоҳлари, фуқароларга шароитлар яратиб, яшил майдончалар ташкил қилингани айтилганди.

Шикоят-аризада таъкидланишича, Маданият маҳалласи Жиззах шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Кўплаб ташкилотларга мазкур қурилиш тўғрисида фуқаролар ёзишлар қилишига қарамай, наҳотки, шунча вақт оралиғида бу арзимас ишни мукаммал ўрганиб, ҳуқуқий баҳо берадиган киши вилоятда топилмаса, деган савол ҳар қандай кишини ўйлантиради. Ана шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлиги ва Жиззах шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар ҳамда яшовчилар ҳамкорлигида бу ишни ўрганишга киришдик.

Айтиш жоизки, Маданият маҳалласидаги аҳволни четдан келган киши кўрса, шаҳар марказида мана шундай ҳудуд бўлишига ишонмайди. Негаки, бу жойдаги кўп қаватли уйлар ўта кўримсиз, ён-атрофи ташландиқ ҳолда, уйлар бир неча йиллардан буён таъмирланмаган, ичимлик сув ва газ, электр таъминотидаги узилишлар, шулар баробарида шунча уйнинг бироптаси олдида болалар майдончаси йўқ, гўёки, бу жойларда ҳеч ким яшамаётгандик, фуқароларнинг тушкун кайфияти эса “Ранг кўр, ҳол сўр”, деган маънони эслатиб турибди. Ваҳоланки, ислоҳотлар ташаббускорининг саъй-ҳаракати билан кейинги йиллар оралиғида нафақат шаҳарлардаги, энг олис жойлардаги маҳаллалар ва овулларда ҳам бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилиб, кўркам, янги қиёфа тусини олган бир даврда, мазкур маҳалладаги ташландиқ бўлиб ётган ҳолат кимни ҳам ҳайратга солмайди дейсиз?

– Шу маҳаллада яшаётганимга 50 йил бўлди, – дейди биз билан суҳбатда 20-уйда яшовчи Аниса Ибатулина. – Яшаётган уйларимиз яқин йигирма йиллар оралиғида бирор марта ҳам таъмирланмади. Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин, бошқа соҳалар сингари, маҳаллаларни ободонлаштиришга, кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратди. Маҳалламиз “Обод маҳалла” дастурига тушганидан биз ҳам хурсандмиз. Бироқ уйларни таъмирлаш ва бошқа камчиликларга барҳам бериш ўрнига, шундоқ ҳам зич жойлашган уйларимиз орасига қўққисдан меҳмонхона қурилишига киришишди. Мана шу қурилиш талаб даражасидами ёки йўқлигига аниқлик киритиш учун турли ташкилотларга жуда кўп қатнадик. Аммо бизга ҳеч ким аниқ жавобни айтмади. Ҳозирги кунда мактабларда ўқишлар тугаб, набираларимиз ёзги таътилга чиқишган, оромгоҳларга юборишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Қаранг, улар учун биропта ҳам майдонча йўқлигидан, қаерга боришларини билмасдан, тупроқ кечиб юришибди.

Худди шу уйнинг 8-хонадонида истиқомат қилаётган Людмила Гушинанинг таъкидлашича, биринчи қаватда яшаса-да, сув тармоқлари эскиргани учун сув таъминоти кўнгилдагидек эмас, иккинчи қаватдаги ҳолатни таърифламаса ҳам бўлади.

– Уйимиздан олти метрлар чамаси янги қурилиш учун девор тортилди, кириб-чиқишга шароит йўқ. Кўчаларимизни янгилаш мақсадида қум ва шағал ўрнига, ҳар хил бетон чиқиндиларини тўкиб кетишганига ҳам анча бўлди, қоронғи тушиши билан кўчага чиқишга қўрқасан киши. Негаки, ёритгичлар йўқ, чиқиндиларга тўқнашиб кетмасликка ҳеч ким кафолат бермайди. Шаҳримиздаги бошқа маҳаллаларга кириб қолсак обод ва озодалиги-ю қурилишларига ҳавас қиламиз. Янги қурилмоқчи бўлган меҳмонхона бўйича кўп жойларга ёзганимиздан кейин анча вақт аввал республика телевидениясидан келиб ўрганишди ва танқидий чиқиш ҳам қилинганди, лекин ҳеч қандай наф бўлмади. Наҳотки, маҳалламизнинг тақдири, 79 та кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг дарду ҳасратлари ҳеч кимни қизиқтирмаса? – деди у куюниб.



Бу ва шунга ўхшаш фикрларни яшовчиларнинг барчаси эътироф этишди, улардан айримларини келтирдик холос. Энг ачинарлиси, ўрганишлар жараёнида бирга иштирок этган вилоят ва шаҳарнинг мутасаддилари шикоят-аризада кўрсатилган қурилиш тўғрисида яшовчиларга лом-мим дейишмади. Сўраганимизда эса, лойиҳани аввалги ишлаганлар тасдиқлаб бергани, айни пайтда мазкур лойиҳа шаҳар прокуратураси томонидан ўрганилаётганини эшитишганини айтишдан нарига ўтишмади.

Қисқаси, Жиззах шаҳридаги Маданият маҳалласида мана шунақа гаплар. Унга қандай ечим топиш ҳам, инсоф билан айтганда, уларнинг ўзларига боғлиқ. Таҳририят эса ҳали бу мавзуга яна қайтади.

***Тошкент–Жиззах–Тошкент.***

# ТЕРМИЗДА “ICEBERG” КЎНГИЛОЧАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ








**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
ЎзА мухбири.

**Термиз шаҳрида сунъий қопламали муз майдонига эга “ICEBERG” кўнгилочар марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Замонавий қиёфада бўй кўрсатган салобатли кўнгилочар марказда сунъий қопламали муз майдони, супермаркет, банк хизмати, 40 га яқин савдо дўкони, болалар ўйингоҳи, ресторан, Fast-fud таомланиш шохобчаси қурилиб жиҳозланди. Кўнгилочар маркази “Термиз тезкор қурилиш” ихтисослашган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти бунёдкорлари томонидан юксак дид билан сифатли барпо этилди.

– Бу ерда 300 га яқин иш ўрни яратилди, – дейди “ICEBERG” кўнгилочар маркази директори Х. Қодиров. – Аҳамиятли жиҳати, шаҳар ҳокимлиги тавсияси билан “Ёшлар ва аёллар дафтари”га киритилган йигитлар ҳамда хотин-қизлар ишга қабул қилинди. Эндиликда улар тоза-озода ва кўркам марказда меҳнат қилиб, оилавий бюджетларига яхшигина даромад олиб бориш имкониятига эга бўлди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги ва юртимиз ободлиги учун хизмат қилаётганини, бу жараёнда спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бундай эзгу йўлда жанубдаги воҳада ҳам йирик ҳажмдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани қайд этилди.

Шаҳар марказидаги 4 минг 500 квадрат метр майдонда қад ростлаган марказнинг биринчи қаватида фигурали учиш, хоккей ва бошқа спорт ўйинлари учун мўлжалланган сунъий қопламали муз майдони барпо этилиб, Испанияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар ўрнатилган. 100 ўринга эга томоша зали қурилган. Шунингдек, тўрт қаватда жойлашган аттракцион, ресторан, супермаркет, савдо дўконлари, Fast-fud таомланиш шохобчаси ва бошқа қўшимча ёрдамчи бинолар бир йилда ўртача 60 минг аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Иштирокчилар марказда яратилган шароитлар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари билан танишди. Пойтахтдан келган санъаткорлар қизиқарли концерт дастурини намойиш этди.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Бош режаларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Бобир Элмуродов,** Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Жасур Балтаев,**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси Бино ва иншоотлар қурилиши бўлими бошлиғи **Бобомурод Атахонов,** Избоскан тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Жахонгир Хожиматов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Андижон вилояти филиали компьютер бўйича техник **Азизбек Нуъманов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассис **Ихтиёр Асадов,** етакчи мутахассис **Бекзод Абдуллаев,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Шакарбай Шоқосимов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Одил Субхонқулов,** ҳайдовчи **Тоҳир Носиров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Мырзабай Тлеуниязов,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош бухгалтери **Илҳом Жониев,**

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси назорат бўйича инспектори **Бегзод Абдуллаев,** Косонсой тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Ахлиёр Мамажонов,**

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Сарвар Равшанов,** Мирзаобод тумани қурилиш бўлими Аҳоли пунктлари, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўлими архитектори **Бахтиёр Маматқулов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Отабек Омонов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали ҳайдовчиси **Сирожиддин Нурдинов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Ботир Мусаев,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Дурбекхон Жўрахонов,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Шакирбек Исмаилов,** Янгибозор тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши назорати бўйича архитектор **Ғайрат Бахтияров,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Фарҳодбек Ниёзметов,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази Хоразм вилояти филиали бухгалтери **Бибихатича Одамова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-643.
2532 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.
ЎзА якуни – 23.15. Топширилди – 00.10. 1 2 3 4 5 6